



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдуғаниев Муҳаммадамин Абдуғаффор ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети талабаси

E-mail: abduganievmuhammadamin03@gmail.com

Илмий раҳбар: Курбонбекова Моҳичеҳра

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти, PhD

E-mail: m.kurbonbekova@tsue.uz

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss3/i2

Аннотация

Ушбу мақолада молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи жараёни қуйидаги тўртта босқичга ажратамиз маълумотларни ўлчаш, маълумотларни қайта ишлаш ҳисоботлар тузиш, келгуси ҳисобот даврига тайёргарлик. мақолада ҳар бир босқичда амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ёритиб берилди.

Калит сўзлар. МҲХС, Молиявий ҳисобот, бухгалтерия баланси.

КИРИШ

Молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва моҳияти масалаларининг очилиши унда акс эттириладиган ахборотларнинг мазмуни, тан олиниши ва баҳоланиши масалаларига тўғри ёндашиш имкониятини беради. Молиявий ҳисоботнинг компонентларини МҲХС ва Ўзбекистон Республикаси БҲМС бўйича таққослаш қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади. Биринчидан, халқаро стандартларда бухгалтерия баланси атамасидан фойдаланилмаган. Бухгалтерия баланси фр.дан *balance*, сўзма сўз — тарози, лат.дан *bilanx* — тарозининг икки палласи деган маънони англатади. Бухгалтерия баланси инглиз тилида *balance sheet* деб юритилади. Шу боис, қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда бухгалтерия баланси атамасининг ўрнига “молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Иккинчидан, 1-сон МҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш»нинг янги таҳрири фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг номланиши ва таркибига салмоқли ўзгаришларни киритди. “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот” ва “бошқа тўплам даромадар тўғрисидаги ҳисобот” билан бирлаштирилди. Амалдаги молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг ўрнини босади, лекин бизнинг амалиётимизда бошқа тўплам даромадлар таркиби ва структураси ишлаб чиқилмаган. Халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни “тўплам даромадлар тўғрисидаги” ёки “фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” деб номлашни таклиф этамиз. Учинчидан, Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг номланиши халқаро

стандартларга тўлиқ мувофиқ келади. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади ҳисобот даври давомида унинг ўзгариши тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш бўлиб ҳисобланади. Шу боис ушбу ҳисоботни “хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот” деб номлаш ўринлидир. Тўртинчидан, молиявий ҳисобот компонентига ҳисоб сиёсатининг қисқача тавсифини киритиш керак. Бундан ташқари солиштириш мақсадида давр бошида ва ўтган даврлар учун мос равишда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳамда фойда ва зараралар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилиши талаб этилади. Компаниялар биринчи марта МҲХСларни қўллаган тақдирда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ равишда ўтган даврлар учун ҳам ҳисоботларни тақдим этишлари талаб этилади. Бу талабларни ҳам ҳисобот компонентларида ҳисобга олиш лозим, деб ўйлаймиз.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молиявий ҳисоботнинг мазмуни ва моҳияти масалаларининг очилиши бўйича бир қанча олимлар тадқиқот олиб боришган, шулар жумласидан Р.Д.Дусмуратов ва У.И.Тулаев томонидан тайёрланган илмий ишда молиявий ҳисоботнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари ўрганилган[1].

И.Очилов суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш масалаларини тадқиқ этган[2].

М.Марпатов ўз мақоласида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш масалаларини ёритган[3].

С.Н. Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи – бухгалтерия ҳисоби субъектларида молиявий ҳисобот принциплари ва стандартлари асосида пулда ўлчаниладиган иқтисодий (молиявий) операциялари ёзувларини амалга ошириш, ўлчаш (баҳолаш), тўплаш ва молиявий ҳисобот кўринишида фойдаланувчиларга қарорлар қабул қилиш учун тақдим қилиш тизимидир[4].

Тадқиқот методологияси

Мақолада индукция ва дедукция, монографик кузатиш, омилли таҳлил, синтез ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ҳисоботни такомиллаштириш учун бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Бу, аввало, ҳисоботларнинг шаффофлигини ва ишончилигини ошириш, муҳосаба маълумотларини автоматлаштириш, ходимларнинг малакасини ошириш ва назорат тизимларини такомиллаштиришни ўз ичига олади. Бу ёндашув ва методологиялар молиявий ҳисоботни тўғрилашга ва унинг ишончилиги ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

1-жадвал

Молиявий ҳисоботнинг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш методологияси

Молиявий ҳисоботнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш	
1.	Молиявий ҳисоботларнинг турлари ва уларнинг мазмунини аниқлаш
	Баланс ҳисоботи
	Даромад ва харажатлар ҳисоботи
	Пул маблағлари ҳаракати ҳисоботи
	Молиявий ҳолатлар ўзгариши ҳисоботи
	Қўлланилаётган стандартларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги
	Уларнинг амалий қўлланилиши
	Ички назорат тизимлари
Ички ва ташқи аудит жараёнлари	

Молиявий ҳисоботни таъминотидаги муаммоларни аниқлаш		
2.	Ташкилий ва бошқарув муаммолари таҳлили	Муҳосаба ходимларининг малакалари
		ИТ тизимларининг ҳолати
		Солиқ қонунчилиги
		Давлат статистикасининг талаблари
Такомиллаштириш йўналишлари		
3.	Муҳосаба маълумотларини автоматлаштириш ва ИТ тизимларини жорий этиш	Замонавий бухгалтерия дастурларини жорий этиш
		Пул маблағлари ҳаракатини автоматлаштириш
		Янгиланган стандартларга мувофиқлаштириш
		Ҳисоботлардаги маълумотларнинг шаффофлигини ошириш
		Тренинглар ва семинарлар
		Ички ва ташқи аудит бўлимларини мустаҳкамлаш
Иқтисодий таҳлил		
4.	Молиявий натижаларни таҳлил қилиш	Компаниянинг молиявий натижалари ва уларнинг ҳаракатланиши
		Рентабеллик ва ликвидлик кўрсаткичлари
		Воситаларнинг йўқотиш хавфи
		Валюта хатарлари ва уларни бошқариш
Молиявий ҳисоботни ҳамкорликда қўллаш		
5.	Инвеститсия жараёнларида ҳисоботлардан фойдаланиш	Инвесторлар учун ҳисоботларнинг аҳамияти
		Инвеститсия қарорларини қабул қилишда ҳисоботларнинг роли
		Халқаро бозорлар ва ҳисоботлар
		Халқаро стандартларга мувофиқ ҳисоботларни жорий этиш

Мамлакатимизда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг таркибига қуйидаги ҳисобот шакллари киритилган

2-жадвал

А. Молиявий ҳисоботнинг асосий мажбурий таркибий қисмлари

№	“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунда	МҲХСларига мувофиқ ҳолда таклиф этилади
1	Бухгалтерия баланси	Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот
2	Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот	Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўпلام даромадлар тўғрисидаги ҳисобот
4	Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот	Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот
5	Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот	Хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот
	Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар	Изоҳлар, ҳисоб сиёсатининг қисқача тавсифи ва бошқа тушунтиришлар

Мамлакатимизда жорий қилинган бухгалтерия баланси бир қанча хусусиятларга эга.

➤ Биринчидан, ягона шаклнинг жорий қилиниши молиявий ҳисоботни услубий жиҳатдан мамлакат миқёсида бошқариш имкониятини беради ҳамда баланс моддаларини бир хил номда аталишига эришиш мумкин бўлади.

➤ Иккинчидан, бухгалтерия баланси иккита қисмдан (актив ва пассив), қисмларнинг ҳар бири иккита бўлимлардан, бўлимлар гуруҳлардан, гуруҳлар эса

баланс моддаларидан ташкил топганлиги ёрқин акс эттирилган. Бухгалтерия балансини ягона қоида асосида тузилиши бухгалтерларнинг услубий жиҳатдан тўғри ёндашишига кўмаклашади. Қоидаларда қайси сатр маълумотлари қайси бухгалтерия счётлари баланс қолдиқларидан олиниши, уларни жамлаш тартиби аниқ кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, баланс шаклининг ўзида ҳам жамланадиган сатрлар қайси сатрларни қўшиш орқали топилиши методик жиҳатдан ёрқин акс эттирилган.

➤ Учинчидан, бухгалтерия балансининг ягона шакли ахборот фойдаланувчиларда бир корхона баланси моддаларини бошқа бир корхона баланси айна шу сатрдаги моддаларига солиштиришда қўл келади, чунки уларнинг солиштирувчанлиги таъминланган ҳисобланади.

➤ Тўртинчидан, баланс давр бошида ва ҳисобот даврининг охиридаги баланс қолдиғи маълумотларни қамраб олган. Бу ҳолат корхонанинг молиявий ҳолатини ўтган йилга нисбатан ўзгарганлигини таҳлил қилиш имконини беради. Таҳлил жараёнида имкониятлар, резервлар ва молиявий ҳолатни яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда қўл келади.

➤ Бешинчидан, амалдаги бухгалтерия баланси 1-сон БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”га мувофиқ бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган барча ахборотларни қамраб олади. Ундан ташқари стандартдаги ҳар бир ахборот уни ташкил этувчи элементлари билан кенгроқ таркибда келтирилган. Масалан, товар-моддий захиралар 4 та модда, дебиторлар 9 та модда, пул маблағлари 4 та модда, узоқ муддатли мажбуриятлар 7 та модда, жорий мажбуриятлар эса 16 та модда кўринишида акс эттирилган. Бу ҳолат ахборот фойдаланувчиларга корхонанинг активлари, мажбуриятлари ва хусусий капитали ҳусусида уларни ташкил этувчи моддалар тўғрисида батафсил ахборот бериш имкониятини туғдиради.

➤ Олтинчидан, балансда ҳар бир бухгалтерия счётлари ҳамда сатрлар кодланган, қайсики бухгалтерия ахборотларининг дастурий таъминотини қулайлаштиради.

Шу билан бир қаторда бухгалтерия баланси унинг объективлиги, аҳамиятлилиги, ахборот фойдаланувчилар ҳаммасининг манфаати учун умумий бўлган, фақат зарур бўлган ахборотларни тақдим қилиш ҳамда хорижий таъсисчиларга ҳам тушунарли бўлишини таъминлаш, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш учун бухгалтерия балансини такомиллаштириш лозим. Бу борада Б.Ҳақимовнинг “молиявий ҳисобот таркиби, шакллари ва уларнинг мазмунини ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларнинг бугунги кундаги эҳтиёжларини тўлиқ эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш зарур” деган фикрларига қўшилаемиз. Такومиллаштиришнинг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритаемиз:

Биринчидан, расмий ҳужжатларда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот деб юритиш керак. Халқаро стандартларда кўрсатилган талабларига мувофиқ равишда бухгалтерия балансида акс эттирилиши лозим бўлган ахборотлар таркибини мувофиқлаштириш керак. Бухгалтерия балансида кўп ахборотларни тақдим қилиш уни тушунишни ва ўқилишини қийинлаштиради. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот асосан ташқи ахборот фойдаланувчиларга мўлжалланган. Шу боис, уни ташқи ахборот фойдаланувчиларга, яъни иқтисодчи ёки молиячи бўлмаган ахборот харидорларига ҳам тушунарли бўлишини таъмин этишимиз лозим.

Иккинчидан, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда жойлаштирилиши лозим бўлган ахборотларни молиявий ҳолат таҳлили учун қўлай бўлган тартибда жойлаштирилиши керак. Бухгалтерия моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлик даражасига эътибор бериш керак. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда моддаларни жойлаштиришда битта қоидага амал қилинади: баланс моддаларини жойлаштиришда уларнинг ликвидлик даражаси ҳисобга олинади, яъни тез ликвидли активлардан қийин ликвидли активларга, худди шунингдек, қисқа муддатли мажбуриятлардан узоқ муддатли мажбуриятларга ўтиш тартибида жойлаштирилади. Шунда жорий активларни жорий мажбуриятлар билан солиштириш имконияти туғилади. Бу эса баланснинг ликвидлигини аниқлашда ахборот фойдаланувчиларга қўлай имконият туғдиради. Бугунги кунда молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ ҳолатда янги таркибини (янги шаклини) ишлаб чиқишга зарурият бор.

Учинчидан, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот акс эттирилган корхона активлари, мажбуриятлари ва хусусий капиталига доир баланс моддаларини молиявий бухгалтерия ҳисобида тан олиш, баҳолаш ва ҳисоботда акс эттириш усул ва услубларини илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш лозим. Бу жараён молиявий ахборотларнинг сифатини таъмин этади. Агар ахборотлар молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи жараёнида халқаро тамойиллар асосида тан олинса, қайд қилинса ва унга илғор усуллар асосида ишлов берилса ва ўз вақтида молиявий ҳисоботда акс эттирилсагина бундай ахборотлар ўзининг аҳамиятлиги, ишончлилиги ва объективлигини таъминлайди. Сифатсиз ахборотлар ахборот фойдаланувчиларда асоссиз қарорлар қабул қилиб қўйиш ҳолатига олиб келиши мумкин. Шу боис, маълумотларга ишлов бериш жараёнини халқаро стандартларга уйғунлаштиришимиз керак.

Тўртинчидан, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботга бериладиган изоҳларда акс эттириладиган ахборотлар, уларнинг тавсифи ва акс эттириш тартиби бўйича миллий стандартларни такомиллаштириш лозим.

Бешинчидан, корхоналар бирлашганда, ажралиб чиққанда, консолидациялашган ҳисобот тузилганда, инфляция шароитида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни тузиш услубиётини такомиллаштириш керак.

Олтинчидан, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган моддаларнинг номланишини халқаро стандартлардаги атамаларга мувофиқлигини таъминлаш лозим.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг (2-сон шакл) амалдаги шаклида ўтган йилнинг ва ҳисобот йилнинг мос кўрсаткичлари кўрсатилган, қайсики ҳисобот даврида ўтган йилга нисбатан мос кўрсаткичларнинг ўзгаришлар тенденцияларини ўрганиш учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади.

Хулоса

Хулоса қилганимизда юқорида молиявий ҳисобот амалдаги шакллари, уларнинг таркиби, акс эттириладиган кўрсаткичларининг бугунги кундаги ҳолати тўғрисидаги мулоҳазалар ҳамда белгилаб берилган молиявий ҳисобот шаклларини ҳам мазмун ҳам шакл жиҳатдан такомиллаштириш йўналишлари назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати

1. Р.Д.Дусмуратов, У.И.Тулаев. Молиявий ҳисобот: назарий, услубий ва амалий жиҳатлари.-Т.: "Extremum-Press", 2012, 144 б.
2. И.Очилов Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш. //Бозор, пул ва кредит Ж. 2012.-№7. Б. 57-61.
3. М.Марпатов. Бухгалтерия баланси – молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот. //Бозор, пул ва кредит Ж.2016.- №11.Б. 20-24.
4. С.Н. Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи: халқаро ва миллий жиҳатлари. Монография. Т.: “IQTISOD-MOLIYA” 2009 й. -26-27-б.
- 5.Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. 2014 йил 6 май. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 19-сон, 210-модда, <http://www.lex.uz/docs/2382409>. 16-модда, 21-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. 2016 йил 14 апрель. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 142-модда. <http://www.lex.uz/acts/2931253>. 22-модда, 25-модда, 26-модда.
7. С.Н.Ташназаров Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация афторефератидан САМАРҚАНД - 2019
8. Б.Ҳакимов. Хорижий ҳамкорликда молиявий ҳисоботнинг ўзига хос хусусиятлари //Бозор, пул ва кредит. 2010 йил №5, 47-бет.
9. Р.Д Дусмуратов, Б.Ю. Менгликулов Реформа бухгалтерского учета в Узбекистане: опыт, проблемы и перспективы. // Ж. Экономика и бизнес: теория и практика. -2016.-№10. –С.35-40.
10. А.В.Дюков Влияние качества финансовой отчетности на развитие предпринимательства в России //Ж. «Российское предпринимательство» № 9 / 2007 <https://creativeconomy.ru/lib/2479>
11. М. Марпатов Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти 1 “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш”. //Бозор, пул ва кредит Ж. –2016.–№6.–46-54-б.
- 12.Б.Ю. Махсудов Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш методологиясини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертация афтореферати: Т.:ТМИ, 2018.-70-б.
13. С.У. Меҳмонов Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси афтореферати. Т.:ТМИ, 2018.-76-б.
14. Н. Мирзараҳимова Корхона ҳисоб сиёсатининг МҲҲС бўйича долзарб масалалари. // Солиқ солиш ва бухгалтерия ҳисоби Ж. -2016. -№11. -20-24 с.
15. Г.Мюллер, Х.Гернон, Г.Миик Учет: международная перспектива: Пер. с англ.– М.: Финансы и статистика, 1992. –136 с.